

ТАЪЛИМ КЛАСТЕР ШАРОИТИДА ЯНГИ АВЛОД ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАРИ ВА УНДА МАСОФАЛИ ЎҚИТИШНИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

К.Р.Мамадалиев
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти,

Аннотация

Ҳозирги кунда янги очилган таълим йўналишларига, қолаверса ОТМ барча йўналишларига янги авлод адабиётларини яратиш долзарб мавзуларидан бирига айланмоқда. Бу эса янги авлод ўқув адабиётлари, яъни янги авлод электрон дарсликларига бўлган эҳтиёжларни оширмоқда. Ушбу мақолада янги авлод электрон дарсликлари ва масофали ўқитиш тўғрисида фикр ва мулоҳазалар юритилган.

Таълим тизимида ўқитишнинг замонавий шакллари ва усулларини қўллаш, замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, масофали ўқитиш технологияларини жорий қилиш масалалари долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шу боисдан таълим тизимида масофали ўқитиш жараёнини самарали ташкил қилишда турли электрон ахборот таълим ресурслари жумладан, электрон ўқув адабиётларини яратишга алоҳида аҳамият бериш талаб этилади. Чунки, масофали ўқитиш асосан таълим олувчининг мустақил ўрганишига асосланган ўқув фаолияти ҳисобланади.

Масофали ўқитишда замонавий ахборот технологиялари, шу жумладан, компьютернинг дастурий воситалари асосида яратилган ўқув-услубий материаллардан фойдаланишдан асосий мақсад замонавий ахборот – таълим услубини шакллантириш, замонавий ахборот-педагогик, ахборот ва компьютер технологияларини қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлиги, сифати ва унумдорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбалари электрон ўқув дарсликларини кенг қўллаш, уларнинг маълум маънода кутубхоналарини ташкил этиш, таълимнинг масофадан ўқитиш усулларини амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига киришдан иборат.

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепциясида электрон дарсликка қуйидагича таъриф берилган: “Электрон дарслик – компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган электрон ўқув адабиёти ҳисобланади”[2]. Демак, электрон дарслик яратишнинг асосий мақсади мустақил таълим олишга қаратилар экан.

Таълим тизими учун яратилган электрон ўқитиш тизимлари камида учта қисмдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Уларга таълим бериш, машқлар бажариш ва назорат қилиш қисмларини келтириш мумкин.

Электрон дарсликнинг таълим беришга мўлжалланган қисмида ўқув материалларини тақдим этганда, унинг ўқувчилар томонидан тушуниш даражасига алоҳида эътибор бериш керак. Тақдим этилаётган ўқув материаллари таълим олувчилар учун содда, қулай, кўргазмали ва яхши ўзлаштириш учун изоҳли маълумотлар тавсия этилган бўлиши, шунингдек, ўқув материалларида керакли таърифлар, таянч иборалар, калит сўзларга мурожаат қилишда қўшимча имкониятлар яратилиши лозим.

Масофали ўқитиш учун яратиладиган ўқув-услубий материалларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- фан мазмуни давлат таълим стандартлари ва ўқув мақсадларига мос келиши;

- мустақил таълим олишни таъминлаши;

- фан бўйича етарли миқдорда маълумотларни ўзида жамлаши;

- фан бўйича машқ ва масалалар билан таъминлаши;

- бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши;

- ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилиш ва бошқалар.

Масофали ўқитиш учун ўқув-услубий материаллар яратиш мураккаб жараён бўлиб, уларни яратишга бир қанча турли йўналишдаги мутахассислар жалб этилади. Уларга фан ўқитувчилари, психологлар, дастурчилар, дизайнерлар, компьютер графикаси усталари кабиларни келтириш мумкин. Шунингдек, ўқув-услубий материалларни яратишда замонавий педагогик технологияларнинг ютуқларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Масофали ўқитиш учун яратиладиган ўқув-услубий материаллар таълим олувчиларнинг мустақил тайёргарлик кўникмаларини ривожлантиришга, ўзлаштирилган билимларни амалиёт билан боғлашга, таълим-тарбияни ўзаро уйғунликда олиб боришга, ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Масофали ўқитиш – ахборот-коммуникация технологиялари ва илмий асосланган ўқитиш усуллари қўллаб таълим олиш шаклидир[3]. Ўқитишнинг бу шаклида ўқувчиларга мос таълим предметини эркин танлаш, ўқитувчи билан мулоқот қилиш шароитларини таъминлайдиган анъанавий, замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларига асосланадиган, ўқитиш жараёнида ўқувчининг қаердалиги ва вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Масофали ўқитишда ўқув жараёнига тегишли бўлган барча компонентлар (мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакл, ўқитиш воситалари ва ҳ.к.) Интернет технологиясининг техник ва дастурий воситалари билан амалга оширилади.

Масофали ўқитишни ташкил қилиш ва унда таълим хизматлари самарадорлигини оширишда ахборот маконининг ўрни жуда катта. Таълим муассасаларида фанлардан ахборот маконини яратиш Интернет ва Интеранет тармоқларида таълим порталлари ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Таълим порталида масофали ўқитишни ташкил қилишда умумлаштирилган ўқитиш технологиялари ва тизимлари яратиш муҳим

аҳамиятга эга. Умумлаштирилган ўқитиш технологиялари ва тизимларига таълим порталида жойлаштирилган ўқув дастурлари, режалар, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари мазмуни, тест тизимлари мажмуасини келтириш мумкин.

Таълим портали масофали таълим тизимининг ривожланишига, шу билан бирга унинг асосий воситаси ҳисобланиб, масофали таълимнинг ташкилий-услубий ва меъёрий-ҳуқуқий базасининг ривожланишига, таълим олувчилар ва педагогларни мутлақо янги воситалар билан таъминлашга, педагогик тадқиқотларни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим порталларига масофали ўқитиш амалга ошириладиган таълим муассасалари ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, унинг тузилмалари, молиявий-хўжалик ишларини юритиш, ўқув режа ва дастурлар, ўқув материаллари, тестлар ва бошқалар ҳақида веб сайтлар мажмуаси жойлаштирилади.

Таълим порталининг асосий ўқув-услубий қисми электрон дарсликка асосланган. Ўқув жараёни учун яратилган таълим портали ўқув жараёни мобайнида намоиш этиш воситаси, компьютер синфларида ташкил этиладиган мустақил ишлаш машғулотларида репититор, мустақил таълим олишга восита, амалий ва лаборатория ишларини бажариш мобайнида услубий ёрдамчи, ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштиришини назоратчиси, амалий ва лаборатория машғулотлари учун масала ва машқлар билан таъминловчидир.

Таълим портали ўқувчиларга ахборотни ўқиш, маърузаларни эшитиш, амалий ва лаборатория машғулотларига мўлжалланган вазифаларни бажариш, ўз билимларини текшириш ва зарур ҳолларда уларни тўлдириш, ўз-ўзини назорат қилиш каби билим шакллари тавсия этиши мумкин.

Таълим портали ўз ичига тренажёрлар, амалий ва лаборатория машғулотлари учун вазифалар, тест топшириқлари, бир вақтнинг ўзида билим бериш ва уларни ўзлаштириш жараёнини назорат қилувчи дастурий таъминотларни қамраб олади. Бошқача айтганда, у ўқув предметларининг асосий ахборотли қисмини баён этувчи, олинган билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган машқлар, ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш имкониятини берадиган тест технологияларидан ташкил топади.

Таълим порталидаги мустақил таълим машғулотлари учун яратилган электрон ўқув-услубий материаллар автоматлаштирилган дастурий воситалар ёрдамида фаолият олиб боради. Автоматлаштирилган ўқув-услубий материаллар таълим олувчиларга керакли мавзулар бўйича маълумотларни тавсия этади ва билимларни назорат қилади. Билимларнинг назорати натижасига қараб таълим олувчиларга турли савиядаги топшириқлар тавсия қилинади. Автоматлаштирилган ўқув-услубий таълим воситалари ёрдамида таълим олувчилар ўқитувчининг ёрдамсиз ҳам ўз билимларини ошириб такомиллаштириб бориши мумкин.

Ушбу жараёни амалга ошириш учун қуйидаги масалалар ечимини топиш мақсадга мувофиқ:

1. Электрон дарсликнинг янги авлодини яратишга тезликда киришиш.

2. Электрон дарсликнинг янги авлодини яратишда талаба мустақил таълим масаласига кенг эътибор қаратиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 48 б.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ва Давлат матбуот қўмитасининг 2002 йил 7 мартдаги 71/22/44-сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланган “Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси”

4. Тожиев М., Мамадалиев К. Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш // Ўқув ва илмий-услубий қўлланма. –Т.: Fan va texnologiya, 2013. –160 б.

КЛАСТЕР ЁНДАШУВИДАГИ «АРТ-ТЕРАПИЯ» ТАЪЛИМИ - ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОМИЛИ

Х.Э. Султанов, И.М. Марасулова
Чирчиқ давлат педагогика институти,
Қ.Я. Абдухамидов магистр 1-курс,
Н.Ш. Алимова бакалавр 2-курс талабаси

Аннотация: Мақолада илгор технологиялар ва меҳнат бозори талаблари олишиши туфайли юзага келган вазиятда Тасвирий санъат кафедрасининг педагогика ва психология кафедралари билан ҳамкорликда “Арт-терапия” йўналиши фаолиятини ташиқил этилиши ҳақида гап боради. Шунингдек, Тасвирий санъат кафедрасида режалаштирилган «Арт-терапия» таълимининг асосий мақсад ва ривожланиш йўналишлари ҳамда бу борада амалга оширилган ишлар ёритиб берилади.

Кластер ёндашувини татбиқ этган ҳолда «арт-терапия» таълимини йўлга қўйиш тасвирий санъат, педагогика ва психология фанларларининг интеграциясини амалга ошириш омили сифатида ижобий натижалар бериши таъкидланади.

Калит сўзлар: тасвирий санъат, амалий санъат, кластер ёндашуви, Арт-терапия, илмий-тадқиқот маркази, ижодий тўғарак, ижодкоий фаолият, ҳамкорлик.

Аннотация: В статье рассматривается организация в кафедре изобразительного искусство направление «Арт-терапии» совместно с кафедрой педагогики и психологии современной ситуации в связи с изменением требований передовых технологий и рынка труда. Также будут описаны основные цели и направления развития образования «Арт-терапия», планируемые на кафедре ИЗО, а также работа, проделанная в этом направлении.

Отмечается, что внедрение образования «арт-терапия» с применением кластерного подхода даст положительные результаты как фактор интеграции наук об изобразительном искусстве, педагогики и психологии.

Ключевые слова: *изобразительное искусство, прикладное искусство, кластерный подход, арт-терапия, исследовательский центр, творческий кружок, творческая деятельность, сотрудничество.*

Республикамизда илғор технологиялар ва чет эл инвестициялари кириб келиши билан барча соҳаларда меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб бормоқда. Бундай шароитда Олий таълимда чуқур фундаментал билимларга эга бўлган ва илмий-тадқиқот ишларини юқори савияда бажара оладиган ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга илмий-амалий муаммоларни еча олишга қодир бўлган малакали кадрлар тайёрлаш ўта долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилмаган, иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштироки етарли эмас¹⁴лиги бугунги кунда олий таълим тизими олдида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммо ва камчиликлар сифатида қайд этилган.

Глобаллашув жараёни ва инновациялар технологиялар асри болалар таълим-тарбиясига бир томонлама ижобий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан ахборот алмашинувининг юксак суръатларда жадаллашиши натижасида фарзандларимиз интернет ва компьютер ўйинларига қарам бўлиб қолиши, виртуал алоқага ўрганиб қолишига сабаб бўлмоқда. Ёш авлоднинг атроф-борлиқ ва яқинлари билан мулоқоти сусайиб бормоқда. Бу эса болалардаги тез тушкунликка тушиш, асабийлик, рухий зўриқиш, ҳар хил турдаги ички кўрқув (фобия) каби иллатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Уларда ўзига ва ўзгаларга нисбатан ишончсизлик, ҳар нарсадан норозилик кафиятлари кучайиб кетди.

Замонавий технологиялар ривожланишига боғлиқ бундай муаммолар ва таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни қайта кўриб чиқиш ва замон талаблари асосида ислоҳ қилишни талаб қилади. Янги инновацияларни қўлламасдан туриб бу вазифалар ечимини топиш жуда мушкул. Бу масалалар ечими сифатида ҳозирда педагогик таълим инновацион кластери Чирчиқ давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот йўналиши этиб белгиланган ва бу борада салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Яқинда Тасвирий санъат кафедрасининг “Педагогик таълим инновацион кластерининг амалдаги татбиғи” илмий-тадқиқот мавзуси бўйича педагогика ва психология кафедралари билан ҳамкорликда “Арт-терапия” йўналиши фаолиятини ташкил этилиши концепцияси ишлаб чиқилди.

Арт терапия – муайян санъат шаклига мансуб жанр бўйича ҳам, психокорректив терапевтик қўлланилиш йўналиши ва технологияси бўйича ҳам аниқланадиган фарқ ва хусусиятларга эга бўлган психокорректив методлар мажмуидир. Унинг тизимлилиги, аввало, санъат шакллариининг ўзига хослигига асосланади (музыка – музыка терапияси; тасвирий санъат – изотерапия; театр,

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармони

тасвир – образотерапия; адабиёт, китоб – библиотерапия, рақс, ҳаракат – кинезитерапия).

Арт терапия – психокоррекция усули. Бу аллақачон бир неча марта яхши натижалар кўрсатган метод ҳисобланади.

Тасвирий санъатдаги ижодий орқали ўзини намоён қилиш миждознинг - расм чизиш, ҳайкалтарошлик, аппликация, коллаж каби ўзига хос, бетакрор асар яратишини назарда тутати.

Тасвирий санъат кафедрасида «Арт-терапия» таълимининг асосий мақсад ва ривожланиш йўналишлари

Кафедрада педагогика ва психология кафедралари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган «Арт-терапия» таълими болалардаги тез тушқунликка тушиш, асабийлик, руҳий зўриқиш, ҳар хил турдаги ички кўрқув (фобиялар)ни камайтириш, ўзига ишонч ва ўзгалар билан дўстона муносабатни шакллантириш, ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдамлашиш, уларнинг руҳий ҳолатини тиклаш ва уйғунлаштириш, унинг ўзини тутишнинг энг яхши усулларини топиш қобилятини шакллантиришни мақсад қилади.

Қуйидагилар ушбу йўналишнинг асосий вазифалари этиб белгиланади.

- тасвирий ва амалий санъат орқали ёшларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини ижобий томонга ўзгартириш, тушқунликка тушган ёки гиперҳаракатли болаларнинг ички муаммоларига нисбатан ижобий ечим топишда кўмаклашиш;

- ижодий фаолият орқали болалардаги асабийликни, руҳий зўриқиш камайтириш, ҳар хил турдаги ички кўрқув (фобиялар)ни йўқотиш, кечиккан ривожланишни бартараф этиш;

- ўзига ишонч уйғотиш, ўзини қадрлашга, бошқаларга нисбатан салбий муносабатларни ўзгартириш ва дўстона муносабатга ўргатиш;

- қўшимча йўналишларга жалб этиш ҳисобига таълим тизимида битирувчиларнинг касбий рақобатбардошлигига эришиш;

- замонавий талаблар асосида тасвирий санъат таълими мазмунига янги инновацияларни татбиқ этиш, мутахассисларнинг профессионал имкониятларини кенгайтириш;

- тасвирий санъатни ўқитиш методикасини такомиллаштириш, унинг педагогика ва психология фанлари билан интеграциясини мустаҳкамлаш;

- тасвирий ва амалий санъат ҳамда педагогика соҳасининг жозибадорлигини ошириш мақсадида қўшимча йўналишлар орқали талабаларнинг касбий фаолияти кўламини кенгайтириш.

Тасвирий санъат таълимида «Арт-терапия» йўналишлари:

а) расм чизиш терапияси:

- қоғозда расм чизиш;
- ранг (бўёқ) терапияси;
- қум терапияси;
- лой (пластилин)да иишлаш терапияси;
- ёғоч ўймакорлиги,
- чеканка,
- тош терапияси,

- оригами,
- ҳар хил материалларда турли нарсалар яратиш ва бошқалар киради.

Арт-терапия машғулоти тўғарак шаклида ташкил этилади ва унда “Тасвирий санъат” кафедраси талабалари машғулотларни олиб боради. Кафедрадан (ушбу мавзу асосида илмий-тадқиқот олиб борадиган педагог) ҳамда педагогика ва психология кафедраларидан раҳбар-маслаҳатчилар бириктирилади. Ушбу машғулотлар “Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн” маркази “Тасвирий санъат” хонасида ўтказилади.

Усуллари

Арт терапиянинг бирор усулини танлаганда, бириктирилган ўқитувчи ёки талаба психолог билан маслаҳатлашилган ҳолда бирон-бир турдаги ижод усулини танланиши мумкин. Машғулотлар 1-2 соат давом этади ва ҳафтада бир неча марта ўтказилиши мумкин. Тинч, дўстона муҳитда мутахассислар гуруҳи иштирокчиларга ўз ҳиссиётларига эътибор қаратишга ёрдам беради. Ижодий жараён тугагач, мутахассис ўқитувчи натижаларни психолог билан бирга муҳокама қилади.

Алоҳида журналда барча иштирокчи мутахассислар (тасвирий санъат, педагогика, психология) олинган натижаларни қайд этиб боришади. “Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн илмий-тадқиқот маркази”да мактаб ўқувчилари учун ташкил этилган “Тасвирий санъат” тўғарагида олиб борилаётган ишлар ва олиналаётган натижалар мана шундай “Арт-терапия” йўналиши фаолиятини ташкил этилишига сабаб бўлди.

Ташкил этилганлигига 4 йил бўлган ижодий тўғаракларга талабалар билан бирга кўплаб мактаб ўқувчилари ҳам келишади. Уларнинг орасида имконияти чекланган ўқувчилар ҳам учраб туради. Улардан бири бўлган Д. Мухаммаджоновни дадаси ва онаси бираликда 2018 йил апрель ойида “Ёш мусаввир” тўғарагига олиб келган эди. Дадаси Д.ни бошқа йўналишларда фаолият олиб боришига ишончи йўқлиги, балки, тасвирий санъат уни жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам берар деган умидда келганлигини тушунтирди. Келган пайтида Д.нинг асабийлиги сезилиб турарди. У асосан инсонга салбий таъсир кўрсатадиган расмлар (ханжар, ғазаб ва нафрат ифодаланган инсон қиёфаси, илон, чаён, шайтон) чизарди. Бир ойлар давомида қоғоз сатҳида узлуксиз, узун чизиқ чизиш каби оддий вазифани бажара олмади. Суратларидаги штрихларнинг пала-партишлиги, расмларидаги узук-узук қўпол чизиқларнинг устиворлиги, тоза ранглари ифодамай олмаслиги унинг характерида қандайдир нуқсон борлигини кўрсатиб турарди. Нима учун фақат шундай тасвирлар чизиши сўралганда, у буни (замонавий анималистик жанр) мультфильмларга қизиқиши билан изохлади.

Ўзини тутиши, бошқалар билан муносабатда Бундай расмлар ёвузликнинг ифодаси эканлиги, тасвирий санъатда кўпроқ гўзаллик асосий мавзу бўлса яхши бўлиши тушунтирилганда, анча пайтгача унга таъсир қилмади. Лекин вақт ўтиб, ундаги одамовилик, йўқолди, чизган тасвирларида яхшилик кўринишлари намоён бўла бошлади. 2019 йили “тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” йўналишига ўқишга кирди. Ҳозир у ижодий

фаолиятда ҳам, тарбиявий жиҳати ва атрофдагилар билан мулоқотда ҳам салбий ҳолатлар сезилмайди.

Эшитиш қобилияти жуда паст бўлган яна бир ўқувчи М. тўғаракка 2021 йил ноябрь ойида келган пайтда асабийлик ҳолати аниқ сезилар эди. “У 2-гуруҳ ногирони, кўпчиликка кўшилишга уялар, беҳуда асабийлашар, жуда инжиқ ҳолатда эди”. Талаба, 1 курс магистри Қувончбекнинг сайи-ҳаракатлари ҳамда тасвирий санъат кафедрасида яратилган “ижодий муҳит” таъсирида ушбу ўқувчида ижобий томонга ўзгариш сезила бошлади. Биринчи кун бувиси менинг олдимга олиб келганида, боланинг ҳам, бувисининг ҳам тушкун ҳолатини кўриб, уларнинг кўнглини кўтариш учун – ҳаммаси яхши бўлади, биз биргаликда ҳаракат қиламиз деб ваъда берганим сабабли, боладаги ўзгаришларни кузатиб бордим. Машғулотлар бошланганида боладаги асабийликдан ва у билан тил топишишда Қувончбек ҳам анча кийналди. “Тўғаракка келганида сабрсиз, тез-тез жаҳли чиқар эди, асабийлашар эди. Атрофидагиларга унча аҳамият бермас эди, расмларни яхши чизолмас эди” (бувисининг фикри). Аста-секин тўғаракка келганда тўғарак раҳбари томонидан унинг кўзларида ҳадик йўқолгани, машғулотга иштиёқ билан киришиши, берилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилаётганлигини қайд этила бошланди. Натижада, унда ўзига ишонч, бошқалар билан муносабатда (ҳозирда набирам расмларни ўзи ўтириб хотиржам чизади, устозининг ҳамма айтганларини бажаради. Тўғаракка келганида кўзида қувонч билан ҳамма педагоглар ва талабалар билан хурсанд бўлиб сўрашади - бувисининг хулосалари). Кафедрада мана шу муаммо бўйича амалга оширилган мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики:

- ижодий фаолият орқали ушбу ўқувчиларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини ижобий томонга ўзгартирилди,

- болалардаги асабийликни, руҳий зўриқиши камайтиришга эришилди;

- ўзига ишонч уйғотилди, ўзини қадрлаш, бошқаларга нисбатан ижобий муносабат туйғулари шакллантирилди;

- “Арт-терапия” машғулотларига жалб этиш орқали мутахассисларнинг касбий фаолият имкониятлари кенгайтирилди, тасвирий ва амалий санъат ҳамда педагогика соҳаси жозибадорлиги ошмоқда;

- “Арт-терапия” машғулотлари воситасида тасвирий санъатни ўқитиш методикаси такомиллаштирилди, унинг педагогика ва психология фанлари билан интеграциясини мустаҳкамланди;

- қўшимча йўналишларга жалб этиш ҳисобига таълим тизимида битирувчиларнинг касбий рақобатбардошлиги оширилмоқда;

Бундан келиб чиқадики, «Арт-терапия» таълими воситасида ёшларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини ижобий томонга ўзгартириш, тушкунликка тушган ёки гиперҳаракатли болаларнинг ички муаммоларига нисбатан ижобий ечим топиш, болалардаги асабийликни, руҳий зўриқишни камайтириш, тинчлантириш, ҳар хил турдаги ички кўркув (фобиялар)ни йўқотиш, ўзига ишонч уйғотиш, ўзини қадрлашга, бошқаларга нисбатан салбий

муносабатларни ўзгартириш ва дўстона муносабатга ўргатиш мукинлиги ўз исботини топди.

Кластер ёндашувида татбиқ этилганда «арт-терапия» таълими тасвирий санъат, педагогика ва психология фанларларининг интеграциясини амалга ошириш омили сифатида ўзининг ижобий натижаларини беради деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармони;

2. KE Sultanov Cluster Approach in Fine Art Education as a Factor for Improving the Educational System /International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding// Volume 9, Issue 2 February, 2022 Pages: 585-593 2022;

3. Doston Abduvoitovich Berdiyev Maktablarda tasviriy san’at fanini o’qitishda kelajak ta’limi steam interaktiv ta’limini rivojlantirish / "Science and Education" Scientific Journal/ ISSN 2181-0842 February 2022// Volume 3 Issue 2 Pages: 687-690;

4. Laylo Mirsoatova Use of innovative methods in the development of students’ creative abilities / Current research journal of pedagogics (ISSN –2767-3278) volume 03 issue 01Pages: 45-49;

5. Рудестам К. Групповая психотерапия. — СПб.: Питер, 2000;

6. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Арт-терапия#Виды Арт терапии](https://ru.wikipedia.org/wiki/Арт-терапия#Виды_Арт_терапии);

7. Султанов Хайтбой Эралиевич, Бердиев Достон Абдувоитович. Тасвирий санъатда кластер ёндашуви сифатида стеам таълимини татбиқ этиш /«Интернаука»: научный журнал// № 15(238) Апрель Изд. «Интернаука», - 2022. -стр. -13-15;

8. Sultanov H.E. Tasviriy sanat mashgulotlarida talabalarning ijodiy qobiliyatini rivozhlantirishda innovation texnologiyalardan foydalanish //Zamonaviy talim/ №11,2016.:61 b.;

9. Sultanov X.E. The use of innovative technologies in the lessons of fine arts for the development of creative abilities of students / Scientific-practical, popular journal of modern education // T. №11 2016. B.-59-65;

10. S.K. Eralievich, MI Mukhamatsultonovna, BI Saidazimovich, AR Turgunovich, The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education /International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Том 24 №5 -2020: ст. 6586-6591;

11. SS Tursunmurotovich, SX Eraliyevich, IU Shuhratovich, Illustration and the Influence of Illustrator on Children's Understanding of Fairy Tales and Works of Art in Books / International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Том 24 №5 - 2020: -ст. 3526-3533;

12. Eralievich, S. K., Tursunmurotovich, S. S., & Mukhamatsultonovna, M. I. (2020). Theoretical basis of cluster approach in fine arts education. *Journal of Critical Reviews*, 7(9), 108-111;
13. Sultanov Kh.E. Innovation technology clusters use of technology in illustration/ *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*// - Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192: 3877;
14. Eraliyevich, S. H. (2021). Shaping Students' Spiritual Worldviews Through Fine Arts. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(05), 79-86.
15. Sultanov N.E., Marasulova I.M, Yunusova K.H. Training cluster cooperation and preliminary results /2th International Multidisciplinary Scientific Conference on Ingenious Global Thoughts Hosted from Berlin, Germany// April 30th 2021: p 224-228;
16. Sultanov Kh. E., Khudaiberdiev P. U., Sobirov S. T. Lifelong education in Uzbekistan as a requirement of the time / *Pedagogy "Young Scientist"* // No. 4 (138) . 2017. P.388.
17. Султанов Х.Э., Турсунбоева М.О. “Талабалар ижодиёти” клуби фаолиятининг таълим кластери ҳамкорлигидаги аҳамияти // *Academic research in educational sciences*. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 1. – С. 255-260.
18. Sultanov Kh.E., Pak V.Sh., Kukiev B.B. The use of new information and communication technologies in the lessons of fine arts // “*Young scientist*”, scientific journal, No. 4 2016. P. 833; (831-833 bethlarda chop etyilgan).
19. Sultanov X.E. Development of creative abilities of students in the system of continuing education (on the example of fine arts lessons). // “*Modern education*” popular science magazine, №4, 2016. p14.
20. Saodat Makhkamova Bakhtiyarovna. (2021). Questions of preparing future teachers for artistic gafur abdurakhmanov analysis of works of fine art in school. *Euro-Asia Conferences*, 5(1), 13-18.
21. Султанов Х.Э., Пак В.Ш., Кукиев Б.Б. Использование новых информационных коммуникативных технологий на уроках изобразительного искусства // “*Молодой учёный*”, научный журнал, №4 2016. С. 833;
22. Султанов Х.Э. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш (тасвирий санъат дарслари мисолида). // “*Замонавий таълим*” илмий-оммабоп журнали, №4, 2016. -14 б.
23. Sultanov Kh.E., Marasulova I..M., Bakhriev I.S. Ankabaev R..T. The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education/*International Journal of Psychosocial Rehabilitation*// Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192: -P.6586-6591.